

Огоҳ бўлинг, дунё ғурурга кетказувчи матодир



16:00 / 03.01.2022 3036

Бу Қуръоний хулосадан қуйидаги маъно ирода қилинган: Ҳаёт бир неча кунлардан иборат матодир ва у йўқ бўлиб кетади. Дунё ҳаётининг лаззатлари ва гўзалликлари улар билан ғурурга кетган, яъни алданган киши учун лаззатдир. Чунки, бу нарсалар инсонни алдаб қўяди. Зеро, дунё ҳаёти ва ундаги мол-дунёдан иборат барча нарсалар кишини алдайдиган ва унга бекорчи нарсаларни орзу қилдирадиган бир оз матодир.

«Ғурур» - араб тилида (غُرُورٌ - غُرُورٌ) феълидан олинган бўлиб, киши алданиб қоладиган нарса, маъносидадир. «Ғорур» (алдовчи) - шайтон ва «Ғорр» (алданувчи) эса, ғафлатдаги инсондир. Шунингдек, ғурур - кишининг нафсига алданиши, у билан ажабланиши, унга рози бўлиши, кибрланиши ва ўзини йўқотиб қўйишидир. Ғурур - инсонни зарарига бўлган ишни

қилишга ундайдиган сабаб ҳамдир. Бунинг мисоли, Одам алайҳиссаломни Иблис келиб алдагани ва у зотнинг зарарига бўлган нарсани истеъмол қилганларидир.

Аллоҳ таолонинг **«Ҳолбуки, бу дунё ҳаёти охират олдида арзимас матоҳ, холос»** (*Раъд сураси, 26-оят*) айтган сўзида дунёни савдосини ўтказиш учун алдаб сотиладиган матога ўхшатиш бордир. Киши бунга алданади, уни сотиб олади ва унга сотиб олган нарсаси фосид ва сифатсиз нарса экани намоён бўлади. Шайтон бу ўринда фирибгар сотувчидир. Саъид ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бу дунёни охиратдан устун билган киши учундир. Аммо, ким охиратни талаб қилса, бу энг юксак матодир».

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: «(Дунё) ўсимликларнинг яшиллиги ва қизларнинг ўйинқароқлиги каби давомий эмас».

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Жаннатдаги бир қамчи ер дунё ва ундаги барча нарсадан яхшидир. Хоҳласангиз ўқинг: «Ким дўзахдан узоқлаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютибди. Бу дунё ҳаёти ғурур матоҳидан ўзга нарса эмас» (*Оли Имрон сураси, 185-оят*)». «*Сунани Термизий*» асарида келган 232-ҳадис, Имом Термизий бу ҳадисни саҳиҳ, деганлар.

Саъид ибн Жубайр розияллоҳу анҳу айтадилар: «Аллоҳ ҳақида ғурурга кетиш бу — банда Аллоҳга маъсият қилишда давомий бўла туриб, Аллоҳдан мағфиратни умид қилишидир. Яъни, банда бир гуноҳ иш устида бардавом туриши ва тавба қилмасдан туриб, Аллоҳдан кечирешини умид қилиши Аллоҳ ҳақида ғурурга кетиш демакдир. Дунё ҳаётида ғурурга кетиш эса, дунё билан алданиши ва дунё уни охиратдан машғул қилишидир. Аммо, ғурурга кетгазувчи мато бу - охиратни талаб қилишдан чалғитадиган нарсадир. Охиратдан чалғитмайдиган нарса ғурурга кетгазувчи мато бўлмайди. Лекин, у ўзидан кўра яхшироғини кўрсатувчи матодир».

Аллоҳ таоло бизга дунёнинг ҳақиқатини бир неча оятларда очиб берган. Дунё ҳақиқатда ҳеч нарсадир. Зеро, у завол топгувчи, йўқ бўлиб кетгувчидир. Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, дунё ҳаётининг мисоли худди Биз осмондан туширган сувга ўхшайдир» (*Юнус сураси 24-оят*).

«Билингки, албатта, бу дунё ҳаёти ўйин, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнатдан, ўзаро фахрланишдан, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтиришдан иборатдир» (Ҳадид сураси, 20-оят).

«Бу дунё ҳаёти ғурурга кетгазувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас»
(Ҳадид сураси, 20-оят).

«Бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулгидан иборатдир. Агар билсалар, охират диёри, ана ўша ҳақиқий ҳаётдир» (Анкабут сураси, 64-оят).

Шайх Салоҳ Абулҳож ҳафизаҳуллоҳнинг

«Қалбни суғорган ҳикмат зилоли» китобидан.

Абдуссами Хайруллоҳ таржимаси.